



THE ISSUE OF TRAINING SPECIALISTS IN THE FIELD OF AGRICULTURE IN THE FERGHANA REGION

G. Xasanboeva

lecturer

Fergana State University

Fergana, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: agriculture, agriculture, animal husbandry, personnel issue, cotton, raw materials.

Received: 22.12.22

Accepted: 24.12.22

Published: 26.12.22

Abstract: The Ferghana region differs from other regions by a wide variety of natural resources, especially the wealth of minerals. During the Soviet era, deposits of oil, sulfur, ozokerite, copper, lead, molybdenum, gold, manganese and a number of other minerals were discovered in the Ferghana region. Many of them were of great importance not only for the republic, but also for the Union territories.

This article examines the issue of training specialists in agriculture of the Ferghana region for the period 1946-1991.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИ БЎЙИЧА МУТАХАССИС КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАСИ (1946-1991 ЙИЛЛАР)

Г. Хасанбоева

ўқитувчи

Фарғона давлат университети

Фарғона, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, деҳқончилик, чорвачилик, кадрлар масаласи, пахта, хом-ашё.

Аннотация: Фарғона вилоятининг хилма-хил табиий бойликлари, айниқса, фойдали қазилмаларининг кўплиги билан бошқа ҳудудлардан ажралиб турган. Совет ҳокимияти йилларида Фарғона вилоятида нефть, олтингугурт, озокерит, мис, кўрғошин, молибден, олтин, марганес ва бошқа қатор фойдали қазилмаларнинг конлари топилган. Уларнинг кўпчилиги нафақат республика, қолаверса иттифоқ ҳудудлари бўйича катта аҳамиятга эга эди.

Ушбу мақолада 1946-1991 йиллар

давомида Фарғона вилояти қишлоқ
хўжалигида мутахассис кадрлар тайёрлаш
масаласи тадқиқ этилган.

ВОПРОС ПОДГОТОВКИ СПЕЦИАЛИСТОВ В ОБЛАСТИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА В ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

Г. Хасанбоева

преподаватель

Ферганский государственный университет

Фергана, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: сельское хозяйство, сельское хозяйство, животноводство, кадровый вопрос, хлопок, сырье.

Аннотация: Ферганская область отличается от других регионов большим разнообразием природных ресурсов, особенно богатством полезных ископаемых. В годы советской власти в Ферганской области были обнаружены месторождения нефти, серы, озокерита, меди, свинца, молибдена, золота, марганца и ряда других полезных ископаемых. Многие из них имели большое значение не только для республики, но и для союзных территорий.

В данной статье исследуется вопрос подготовки специалистов в сельском хозяйстве Ферганской области за период 1946-1991 гг.

КИРИШ

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, демократик давлат барпо этишда амалга оширилайётган ислохотлар авваламбор, ҳар бир соҳада етук кадрларни етказиб беришни талаб этмоқда. Хусусан, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам шундай кадрлар масаласи муҳим ҳисобланади. Чунки, қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётимизда ўрни бениҳоядир. Шу туфайли соҳада яхши натижаларга эришилди. Яъни, агротехникадан кенг фойдаланиш, селекция, уруғчилик ва деҳқончилик маданиятида жаҳондаги илғор тажрибалардан фойдаланиш туфайли қишлоқ хўжалигининг аксарият тармоқларида ютуқлар қўлга киритилмоқда. Лекин Собиқ Совет ҳокимияти даврида аҳвол бу даражада яхши эмас эди. Масалан, XX асрнинг 50 йилларида қишлоқ хўжалигида кадрлар таркиби асосий муаммолардан бири эди. Жумладан, 1946 йил Ўзбекистонда жами 1749 нафар олий маълумотли мутахассис, 97 нафар мелиоратор, 95 нафар қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш муҳандиси бор эди. Чунки, уруш йиллари республикадаги эркакларнинг катта қисми фронтга жўнаб кетиши муносабати билан қишлоқ хўжалигида барча тоифадаги кадрлар сони кескин камайиб кетди. Натижада,

қишлоқ хўжалик мутахассисларини тайёрлаш муҳим вазифа бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам урушдан кейинги йилларда Ўзбекистоннинг аграр ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун умумий маблағлар ҳажмининг 7% и ажратилди. Ўрта Осиёдаги барча республикалар сингари, Ўзбекистон қишлоқ аҳолисининг салмоғи юқори, табиийки, меҳнатга яроқли иш кучининг кўпчилиги, аниқроғи учдан икки қисмидан зиёди қишлоқда жойлашган. Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах вилоятлари ва Фарғона водийсида бу кўрсаткич 70-75% га, умуман Ўзбекистон бўйича 58% бўлган.

Шунинг учун қишлоқ хўжалик кадрларининг маълумот ва махсус тайёргарлигини яхшилаш, колхоз ва совхозлар, МТСларни малакали мутахассислар билан таъминлаш юзасидан қатъий чоралар кўрилиши зарур бўлди. Шу қаторда кадрларнинг кўп қисми ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминланмаган эди. Республика ишчи кадрларининг 40% дан кўпроғи оғир саноат тармоқларда ҳамда саноатнинг бевосита пахтачилик билан боғлиқ тармоқларида тўпланди. Амалда бу сиёсат маҳаллий аҳоли билан бошқа миллат аҳолиси ўртасидаги ўзига хос меҳнат тақсимотини белгилаб берди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Маҳаллий аҳоли бандлиги пахта яккаҳоқимлиги сабаб қишлоқ хўжалигида кўпчиликни ташкил этди. Айтиб бериш керакки, тузум сиёсатида маҳаллий кадрлар фаолияти устидан доимий назоратнинг янги шакллари юзага келтирилиб, уларнинг мустақил ишлаш имкониятларини чеклаб қўйганди.

Шу сабабли совет ҳукумати қишлоқда оммавий касбдаги механизатор ва техник кадрларни, малакали қишлоқ хўжалик меҳнати ходимларини кўпайтиришга асосий эътиборини қаратди. Бу вазиятнинг муҳимлигига сабаб, уруш натижасида колхозчилар ва аграр ишчиларнинг таркиби анча янгиланган эди. Кадрлар таркиби эса асосан зарур касбий билимларга эга бўлмаган аёллар ва ўсмирлар билан тўлдирилган. Қишлоқда асосий ходимлар механизаторлар эди. Механизатор кадрларни тайёрлаш МТСлар қошидаги қишлоқ хўжалигини механизациялаш мактаблари ва курслари орқали олиб борилган.

Шу мақсадда 1944-1950 йилларда турли соҳалар бўйича 50 минг нафар механизаторлар тайёрлашга муваффақ бўлинди[1]. Республика қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш 50-йилларнинг иккинчи ярмидан бошланган эди. Шундан сўнг механизаторлар тайёрлайдиган мактаблар, махсус ўқув юртларида ана шундай кадрлар тайёрлана бошланди.

Раҳбарият томонидан XX асрнинг 50-йилларда барча колхозларни кенгайтириш масаласи авж олдирилгандан кейин қишлоқ хўжалик раҳбар кадрлар таркибини

таъминлаш асосий муаммолардан бўлди. Сабаби, ўзбек миллатига мансуб қишлоқ хўжалик раҳбарлари 37 фоиз бўлиб, олий маълумотлилар - 23%, ўрта - 53%, бошланғич маълумот - 24% бўлган[2]. Шу сабабдан хўжаликларнинг мутахассисларга бўлган эҳтиёжи ортиб борди. Натижада, ВКП (б) МҚ 1947-йилги феврал пленумида қишлоқ хўжалик кадрлари жумладан, раҳбар кадрларни тайёрлаш соҳасида қарор қабул қилди. Унда қишлоқ хўжалик кадрлари – колхоз раислари, бригадирлар, ферма мудирлари, ҳисобчиларни тайёрлаш, уларнинг сифатини яхшилаш мақсадида вилоят ва республика ларда бир ва икки йиллик давлат мактаблари очиш улар қошида билим ва тажриба оширадиган намунали хўжаликлар ташкил этиш каби масалалар кўрилди. Ўзбекистонда ҳам ҳар бири 500 кишига мўлжалланган икки мактаб Тошкент ва Самарқандда очилди. Ўқув муддати икки йил бўлган қишлоқ хўжалик раҳбарларини тайёрлайдиган давлат мактабларида ўқувчиларга умумий маълумот билан бир қаторда қишлоқ хўжалигига доир махсус маълумот ҳам берилган. Яъни қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш, деҳқончилик асослар, чорвачилик ва бошқа шу каби бир қанча дарслар ўқитилган. Шу тариқа Республика қишлоқ хўжалик техникумларида мутахассисларни тайёрлаш ҳажми йилдан-йилга ўсиб борди. Мисол учун, 1956-1960 йиллар ичида 4723 нафар қишлоқ хўжалиги мутахассислари тайёрланди. Шу билан бир қаторда, Фарғонада ҳам қишлоқ хўжалиги, суғориш соҳаларига мутахассис тайёрлайдиган ўрта бўғин - қишлоқ хўжалиги техникумлари фаолиятини ривожлантириш ҳамда уларда таҳсил олувчи талабаларни ётоқхоналар билан таъминлаш йўлга қўйилди. Ана шу вазифаларни амалга ошириш учун ЎзССР вазирликлари, идоралари ҳамда ташкилотларига техникумларнинг икки йиллик гидромелиорация ва гидротехника бўлимларига қабул қилинган талабаларни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таҳсил олишига очиқ-ойдин руҳсат бериш, Андижон ва Наманган вилояти ижроия қўмиталарига янги ўқув йилига қабул қилинадиган талабаларни 1951 йил 1 августига қадар Андижон, Наманган қишлоқ хўжалик техникумларини - 100 ўринли ётоқхона билан таъминлаш вазифаси белгиланди. 1952 йилга келганда бу ётоқхоналар ташкил етилди ва фойдаланишга топширилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ишловчи мутахассис кадрлар эндиликда “қишлоқ хўжалиги зиёлилари” деб номлана бошланди. Бунинг боиси, 60-70, 80-йилларнинг мутахассислари ўз дунёқарашлари, қишлоқ хўжалик илмини ўзлаштирганликлари жиҳатидан 30-йиллардаги мутахассислардан анча юқори турганлигидадир.

Халқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлашда ҳунар-техника билим юртининг ўрни алоҳида бўлган. 1959 йилдан 1962 йилга қадар ушбу ўқув юртлари турли ихтисосдаги 43 мингдан ортиқ ишчи кадрларни республика саноатининг етакчи тармоқларига йўллади. Бу

ўқув юртлири, асосан, кимёгар, нефтчи, энергетик, металлурглари тайёрларди. 1959-1965 йилларда ҳунар-техника таълими тизимида ишчи кадрлар тайёрлаш икки марта, бевосита ишлаб чиқаришда малакали ишчилар тайёрлаш эса 1,2 марта кўпайди. Бироқ кадрлар кўнимсизлиги, яъни стажи кам ишчиларнинг (18-25 ёшдаги йигит ва қизлар) ишдан бўшаб кетиш ҳоллари юқори бўлган. Сабаби, кўп ҳолларда корхоналар ёш ишчи кадрлардан ўз ихтисослигига мувофиқ фойдаланмаган, уларни қониқтирадиган иш берилмаган ҳамда кадрларнинг малакасини ошириш ва ўқишини давом эттириш тўғрисида етарли ғамхўрлик қилинмаган.

Совет ҳукумати даврида Ўзбекистонда ирригатор-мелиоратор ва механизатор кадрлар тайёрлаш тизимига асосий эътиборини қаратди. Чунки, бу даврда пахтачилик етакчи соҳа ҳисобланиб, уни тараққий эттириш асосан етук мутахассис кадрларнинг малакаси билан боғлиқ эди. Бу борада ўзбек ирригаторларининг асрлар давомида тўплаган илғор тажрибалари пахтачиликни ривожлантиришда муҳим рол ўйнади. Республикада шу сабабдан ҳам ирригация-мелиорация соҳаларига ўрта махсус ва олий маълумотга эга мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Лекин республика бўйича тайёрланган суғориш тизимига оид мутахассислар сони етарли эмас эди. Хусусан, 1961-йилга келганда суғориш тизимида муҳандислар сони 53тани, техниклар эса 16 тани ташкил этган[3].

Республиканинг бошқа ҳудудлари сингари Фарғона водийсида ҳам шундай мутахассисларлар тайёрлаш яхши йўлга қўйилган эди. Хусусан, 1952 йил бошларида Фарғона водийсидаги сув хўжаликлари ҳамда “Ферганаводстрой” трести ишчи ва муҳандис-техник ходимларининг умумий сони 2188 кишини ташкил этди. Бу кўрсаткич 1958-йилда 3011 кишига етди. Кейинги йилларга келиб яъни 1970 йилда “Андижанводстрой” ва “Ферганаводстрой” трестларида ишчи ва ходимлар сони 4899 кишига тенг бўлган. Булардан 1301 киши машинист-экскаваторчи ва уларнинг ёрдамчилари, 546 киши булдозерчи, 163 киши тракторчи ва 931 киши бетончилардан иборат эди. Лекин, Фарғона водийсида ҳам бошқа ҳудудлар сингари қишлоқ хўжалиги ходимлари тўлиқ даражада етарли бўлмаган. Масалан, 1972-йил бошига келиб, биргина “Ферганаводстрой” трестида 46 экскаваторчи, 182 та булдозерчи 108 та қурилиш ишчиси ва бошқа ўзлаштирувчи мутахассислар етишмас эди. Шу мақсадда 1960 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Андижон шаҳрида қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш мутахассислари, гидротехниклар ва агрономлар тайёрловчи филиали очилди[4]. Бир оз вақт ўтгач, ана шу филиал базасида, яъни 1964 йилда Андижон пахтачилик институти таркиб топди. Андижонда пахтачилик институтининг ташкил этилиши натижасида Марказий Фарғона

вилоятлари учун қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича тегишли агроном ҳамда гидротехник кадрлари тайёрлаш тизими йўлга қўйилди. 1961 йилда Фарғона водийси сув хўжалиги идораларида муҳандис ва техниклар етишмади. Айнан шу сабабли республикадаги лойиҳа ташкилотлари томонидан Марказий Фарғонанинг вилоятларига 69 нафар олий ва ўрта махсус кадрлари юборилди.

Республикада 60-йилларга келиб, механизаторлар тайёрлашнинг энг самарали шакли қишлоқ хунар-техника билим юртлари бўлиб қолди. Қишлоқ хунар-техника билим юртлари қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари учун механизаторлар: токарлар, электрчилар, тракторчилар, комбайнчилар, машинада сут соғиш операторлари, паррандабоқарлар ва бошқаларни тайёрлаб берар эди. Фарғонадаги шундай хунар-техника билим юртларидан бири Қўқон хунар техника билим юрти ҳисобланган. У ерда 500 га яқин бўлғуси механизаторлар ўқиган. Бу билим юрти 30 йил давомида минглаб механизаторлар, ремонтчилар ва бошқа касбдаги ишчилар етиштириб чиқарди. Бундай билим юртларида ўқувчилар касб билан бирга ўрта маълумот ҳам берилган. Қўқондаги қишлоқ хунар-техника билим юртига 8-синфни тамомлаган ёшлар қабул қилинган. Натижада 1960-йилнинг ўзидаёқ 500 дан зиёд хотин-қиз механизаторлар тайёрланди. Бу даврга келиб Ўзбекистон кўплаб иқтидорли, тажрибали механизаторларни етиштирди ва тарбиялади. Пахтачиликни комплекс механизациялашнинг талантили усталари бўлган Т. Охунова, В. Тюпко, Ж. Кўчиев, С. Толмасов, М. Умурзоқов, М. Жалолов, К. Кенжаев, И. Юнусов ва бошқа кўпгина донгдор механизаторларнинг номи бутун мамлакатга маълум эди. Урушдан кейинги давр қийинчиликлари қишлоқ хўжалиги кадрлари етиштириб берувчи билим юртлар фаолиятига ҳам таъсир қилди. Чунки, уларнинг моддий таъминот базаси жуда қашшоқ эди. Ўқув хоналари, амалий машғулотлар учун қишлоқ хўжалик техникаси, лабораториялар, дарсликлар, айниқса, ўзбек тилидаги дарсликлар етишмас эди. Шунга қарамай, республикадаги қишлоқ хўжалик ўрта махсус ўқув юртлари урушдан кейинги йилларда 4 мингдан ортиқ агроном, зооветеринар, техник ва бошқа мутахассисларни тайёрлаб берди. 1965-йилда эса қишлоқ хўжалиги мутахассислари – агрономлар, зоотехниклар ва ветеринарлар сони бир ярим баравар кўпайди. Бундай кадрларни тайёрлашда Фарғона вилоятидаги билим юртлари ҳам катта рол ўйнаган.

Бундан ташқари кадрлар ишини яхшилаш ва уларни рағбатлантириш мақсадида уларга устама ҳақи ҳам берилар эди. Яъни, барча давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг тракторчи-машинистларига шу хўжаликда ихтисоси бўйича иш стажи учун устама ажратилган. Бериладиган устама ҳақ 1966 йилдан эътиборан йиллик умумий иш ҳақининг қуйидаги миқдорларида тўланган: 3 йилдан 5 йилгача узлуксиз

ишлаганларга 5 фоиздан 8 фоизгача, 5 йилдан 10 йилгача – 10 фоиз, 10 йилдан 15 йилгача – 13 фоиз ва 15 йилдан ортиқ ишлаганларга – 16 фоиз[5] миқдориди берилган. Устама ҳақ йилига бир марта тўланар эди. Бундан ташқари республика бўйича қуйидаги даврлар тракторчи-машинистларнинг ихтисос бўйича иш стажига қўшилган.

Улуғ ватан уруши йилларида Совет армияси сафида, Ички ишлар министрлиги қўшинларида, партизан ва халқ кўнгиллилари отрядларида бўлган даври; чет элларда шу ихтисос бўйича ишлаган даври (бунинг учун улар чет элдан қайтиб келганларидан кейин икки ойдан кечикмай аввалги иш жойларига қайтиб келган бўлишлари шарт); тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиган даври кабилар кирган.

Механизаторлар эса ихтисос бўйича иш стажига учун устама ҳақ олиш ҳуқуқига эга бўлган тақдирда унинг бир йиллик миқдори йилнинг турли фаслларида тегишли миқдорларда ёзилган барча устама ҳақларини жамлаш йўли билан аниқланади. Шу билан биргаликда Республика халқ хўжалиги тармоқларида банд бўлган ишчи ва хизматчиларнинг ўртача йиллик сони 1960 - 1970 йиллар ичида 1 миллион 122,5 минг нафар кишига кўпайди. Худди шундай Фарғона вилоятининг районлар кесимида ҳам қишлоқ хўжалиги кадрлари сонини кўпайганлигини кузатишимиз мумкин. Мисол учун 1966 йилда пахта териш машиналари ҳайдовчилари сони Олтиариқ районида 15 та, Поп районида 55та, Ўзбекистон районида 75 тани ташкил қилган[6].

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги кадрларини тайёрлаш янада жадаллашди. Оммавий равишда XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб механизатор кадрлар тайёрлаш масаласи кун тартибига кўйилди. Бу даврга келиб республика 4 та олий ўқув юрти, 38 та техникум йилига 13 мингга яқин қишлоқ хўжалиги мутахассисларини тайёрлаб берди. Хусусан, 1962-1970 йиллар давомида “Ўзселхозтехника” курсларида қарийб, 50 минг тракторчи, деярли 35 минг терим машиналарининг механик ҳайдовчилари тайёрланган. Шунингдек 66 минг механизатор такрорий курсларда малакасини оширган[7]. Ҳар ҳолда анча катта иш қилинган. Асосий эътибор пахтачиликка қаратилгани учун 1968-1970 йиллар мобайнида республикада пахтачилик учун 22 та мутахассислик бўйича техниклар тайёрлаш иши йўлга қўйилди. Бу республика пахта далаларида ишлаётган мутахассис кадрлар таркибини сифат жиҳатдан яхшиланишига олиб келди. Масалан, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, мутахассисларининг кўпчилиги махсус билимга эга эмас эдилар. Қишлоқ хўжалиги жумладан, пахтачиликда меҳнат унумдорлигини ошириш, етиштирилаётган ҳосил сифатини яхшилаш иши кўпинча раҳбар кадрларга ҳамда уларнинг махсус тайёргарлигига боғлиқ эди. 1971-йилда барча колхозларнинг 39 фоизига, совхозларнинг эса 22 фоизига ўқитувчи, врач ва бошқа мутахассислар раҳбарлик

қилган[8]. Ўзбекистонда 1974-йилда жамоа хўжалиги раислари бўлим бошқарувчилари, зоотехниклар, ветеранария ходимлари, инженер ва техниклар, чорвачилик фермалари мудирларининг маълумот даражалари ўрта даражадан паст эди. Бу эса ўз навбатида, қишлоқ хўжалигида қийинчиликларни келтириб чиқарди. 70-80 йилларнинг биринчи ярмида халқ хўжалигини ишчи кадрларга бўлган талаби илмий асосланган тарзда ўрганилмади. Натижада кадрлар тайёрлашни режалаштиришда жиддий хатоликларга йўл қўйилди. Баъзи соҳаларда керагидан ортиқ ишчи кадрлар тайёрланди, бошқа соҳаларда эса маҳаллий миллат вакилларида ишчи кадрлар танқислиги сезилиб қолди.

XX асрнинг 80-йилларнинг бошларидан жамият ҳаётида рўй бера бошлаган ўзгаришлар бу масалага бўлган муносабатни ҳам ўзгартириб юборди. Буни механизатор кадрлар сонининг камайиб боришида ҳам кўришимиз мумкин. Механизатор кадрларнинг сезиларли камайишига иш жараёнинг оғирлиги, табиий муҳитнинг заҳарланганлиги, техниканинг ноқулайлиги кабилар сабаб бўлган. Механизаторлар доим чанг, заҳарли кимёвий дориларнинг қўлланиши юқори бўлган далаларда катта куч билан дастакни бошқарган ҳолда меҳнат қилганлар. Шу сабабли уларда сурункали касалланиш ҳоллари юқори даражада бўлган. Текширувларнинг кўрсатишича, аксарият механизаторлар нафақа ёшига оз қолишига қарамай, 40-45 ёшларида тракторчилик касбини ташлашга мажбур бўлган. Ишловчилардан фақат 3% 45 ёшгача борган, 50 ёшдан юқорилари 1% ни ташкил этган. Муаммолардан яна бири Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги қурилиши учун механизатор кадрлар тайёрловчи ўқув муассасалари амалда атиги 40% техника ва ускуналар билан таъминланганди. Ташкилот ва корхоналар ўз оталиқларидаги ҳунар-техника билим юртларига асосан ишлатилиб бўлинган, эскириб кетган ускуналар ва механизмларни топширар эди. Бу муаммолар ўз навбатида малакали механизатор кадрлар тайёрлаш имконини бермасди. Айниқса хотин-қизларнинг бу соҳага жалб қилиниши яхши натижаларга олиб келмади. Хотин-қизлар бу касбни эгаллашлари оқибатида турли хил касалликларга чалинишлари, умрбод ногирон бўлиб қолиши кузатилди. Чунки, хотин-қизлар бундай оғир, ноқулай техникани бошқаришда, уларни таъмирлашда кўпгина қийинчиликларга дуч келишар эди. Шунинг учун ҳам хотин-қиз механизаторлар орасида иш малакаси ниҳоятда паст эди.

XX асрнинг 80-йилларнинг охирида қишлоқ хўжалигида бир неча миллионга яқин ишсизлар бор эди. Бироқ бунинг боиси уларнинг ишлаш иштиёқи йўқлигидан эмас, балки Марказнинг махсус йўналтирилган сиёсати туфайли бўлган. Қолаверса, баъзи маҳаллий мутасадди раҳбарлар ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг замонавий усуллари яхши йўлга қўйишмаган. Уларнинг иш жойлари, турар жой, болалар

боғчалари, хунар-техника билимюртлари билан таъминлаш имконини етарлича яратилмаган эди. Халқ хўжалигининг барча тармоқларига 1970-1980 йилларда ҳам кадрлар жалб этилди ва ишчи хизматчилар сони 2641,5 мингдан 4833,5 мингга кўпайди. Бу ўсиш эса сунъий равишда, яъни республикага ташқаридан кўплаб ишчиларни кўчириб келтириш ҳисобига ҳам рўй берди.

XX асрнинг 90-йилларга келиб эса вазият анча юмшади, кадрларга эътибор кучайди. XX асрнинг 80-йилларидаги кадрларга бўлган турли тазйиқ, бўҳтонлар олиб ташланди. Хусусан, 1983-1988 йилларда “Пахта иши” деб номланган жиноий ишлар бўйича 4,5 мингга яқин қишлоқ хўжалик ходимлари суд ҳукми билан турли муддатларга озодликдан маҳрум этилган эдилар. Бу масала бўйича республикамизда кўрилган барча жиноий ишлар текшириб чиқилди. Шу ишлар бўйича талон-тарож қилинган пул миқдори 18 миллион сўм атрофида бўлганлиги аниқланди.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида халқ хўжалигининг тармоқлари бир томонлама кенгайиб кетганлигини кўриш мумкин. Маҳаллий кадрлар кўпроқ анъанавий соҳаларга, яъни енгил саноат, озиқ-овқат кабиларга жалб этилган мумкин бўлар эди. Ҳамда маҳаллий аҳолининг меҳнат шароитини такомиллаштириш, иш жойларни тўғри йўналтириш, ишҳақини ошириш, уй-жой, ижтимоий аҳволини яхшилаш каби муаммолар ўз вақтида бажарилганда яшаш шароити яхшиланган бўлар эди. Бошқача қилиб айтганда, мафкуравий андозаларга солинди. Лекин мустақилликдан кейин қишлоқ хўжалигига бўлган муносабат ўзгарди. Бугун бу борада ёндашув ўзгача. Ер ҳақиқий эгаларига топширилди. Бу соҳадаги амалга оширилятган ислохотлар соҳанинг ривожланишига олиб келди. Айниқса, соҳага кириб келган янги техникалар кадрлар ишини енгиллаштирди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон тарихи. 10-синф. – Т.: Шарқ, 2006. – 313 бет.
2. Хомидов Д. Советлар даврида Ўзбекистонда кадрлар сиёсати ва унинг оқибатлари (1950-1991 йиллар). Магистрлик диссертацияси. – Андижон, 2016. – 68 бет.
3. Комилов А. Ўзбекистонда суғориш тизими, ривожланиши: ютуқ, муаммо ва оқибатлар. –Т.: Академнашр, 2016.– 129 бет.
4. Искандаров С.И., Раҳимбоев Ф.М. Ўзбекистонда ирригация ва мелиорациянинг ривожланиши.-Тошкент: Ўзбекистон, 1984.-Б.27.
5. Лим П. Тракторчи-машинстларга устама ҳақ тўлаш.// Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Т.: Ўзбекистон компартияси Марказий Комитетининг нашриёти, 1973. –№7.- 26 бет.

6. ФВДА, 1126-жамғарма, 7-рўйхат, 129-йиғма жилд, 117-варақ.
7. Безруков Б Кадр тайёрлаш муҳим вазифа. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Т.: Ўзбекистон компартияси Марказий Комитетининг нашриёти, 1971. –№7.- 24 бет.
8. Раззоқов А. Ўзбекистон пахтачилиги тарихи. – Т.:Ўзбекистон, 1994. – 260 бет.
9. Alimova, N. O. (2021). Some Views On The History Of Daily Life Of Women In The Villages Of The Ferghana Valley (1946-1991). *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(07), 45-47.
10. Bekmirzaev, R. B. (2021). Traces Of Archaic Religions In The Modern Way Of Life Of The Peoples Of The Ferghana Valley. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(11), 41-46.
11. Bekmirzaev, R. B. (2021). Factors affecting nation-building relationships in Fergana Valley. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 10(11), 122-125.
12. Khusanov, S. (2021). Qozikhona and religious rule in khiva khanate in the beginning of xix-xx centuries. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 10(12), 758-763.
13. Khusanov, S. (2022). Historiography of the problem of record keeping and archival affairs of the Khiva khanate in the XIX-early XX centuries. *Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities*, 12(6), 93-98.
14. Khusanov, S. (2022). Khiva madrasahs. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(6), 107-111.
15. JURAYEV, X. (2018). About history of resettlement policy of the Russian Empire on migration of the Russian people to the Ferghana valley (based on the sources of the “Turkestanskiy sbornik”). *Scientific journal of the Fergana State University*, 1(3), 53-55.
16. Juraev, K. The Problems Of Agronomic Assistance To The Population Interrogated To Turkestan By The Tsarist Russian Federation. *THE AMERICAN JOURNAL OF APPLIED SCINCES*, 147.
17. Жўраев, Х. П., Бекмирзаев, Р. Б., & Юсупов, Ж. (2022). ЧОР РОССИЯСИНИНГ ТУРКИСТОНГА АҲОЛИНИ КЎЧИРИШ СИЁСАТИДА ЕР БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАРНИНГ ҲАЛ ЭТИЛИШИ. *ИТИМОИЙ ФАНЛАРДА ИННОВАСИЯ ONLINE ILMIY JURNALI*, 2(11), 54-59.
18. Жураев, Х. (2022). РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ РУС АҲОЛИСИНИ ФАРҒОНА ВОДИЙСИГА КЎЧИРИШ ЖАРАЁНИ ВА УНДАГИ МУАММОЛАР. *Research Focus*, 1(2), 136-143.